



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2013 йил 21 октябрь, № 30



**Ўзбекистон тазквондо
усталарининг
Нью-Йоркдаги ғалабаси**

13-бет



**Эркин ВОҲИДОВ
ТИРИК ХАЗИНА ЁХУД
ЖАҲОНГАШТА СЎЗ**

5-бет

**Бруклинда "Ватандош"
Ўзбек-Америка жамиятининг сайли бўлиб ўтди**

4-бет



**Абдулазиз КОМИЛОВ:
"Роғун ва Қамбарота-1 ГЭСлари БМТ
шафелигида холис халқаро экспертизадан
ўтказилиши зарур"**

2-бет

OASIS
MEGA MARKET

2828 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
T: (718) 759-6028

www.oasismegamarket.com



Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com/obuna

Абдулазиз КОМИЛОВ:

"Роғун ва Қамбарота-1 ГЭСлари БМТ шафелигида холис халқаро экспертизадан ўтказилиши зарур"



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 68-сессиясида нутқ сўзлаб, Оролбўйида табиий-экологик тизимни ҳимоя қилишга чорлаб, манфаатдор давлатлар билан келишмасдан трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида гидроиншоотлар қуришга йўл қўйиб бўлмаслигини айтиб ўтди. Бу ҳақда БМТ Янгиликлар маркази хабар тарқатди.

Вазир, шунингдек, Афғонистондан НАТО шафелигидаги Халқаро хавфсизлик кучларининг чиқиб кетиши оқибатида минтақада терроризм янада фаоллашиши мумкинлигидан хавотир билдирди. "Минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солаётган жиддий хавфлардан бири Афғонистонда 30 йилдан ортиқ давом этаётган уруш бўлиб қолмоқда. Афғонистондаги бугунги вазият, кўплаб экспертларнинг фикрича, ноаниқ ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф тугдирмоқда", деди Абдулазиз Комилов.

Ўзбекистон ташқи ишлар маҳкамаси раҳбарининг фикрича, бундай шароитларда 2014 йилда халқаро хавфсизлик кучларининг олиб чиқилиши

мамлакатда қарама-қаршиликнинг кучайишига, терроризм, экстремизм, наркотрафикнинг фаоллашуви, минтақаларо қарама-қаршилик чуқурлашишига олиб келади. Вазир Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан яхши қўшничилик, ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланган очик, аниқ сиёсат олиб бораётганини айтиб ўтди.

Абдулазиз Комилов янги глобал тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистон экологик хавфсизлик масаласига катта урғу бераётганини айтиб ўтди. У шу муносабат билан Орол фожеасига эътиборни қаратди.

"Янги тарихдаги энг йирик глобал экологик

ҳалокатлардан бири Орол денгизининг йўқ бўлиб кетаётганидир. Йилдан-йилга шу нарса аниқ бўлмоқдаки, Оролнинг қуриши, биринчи навбатда, атроф табиий муҳитга, ижтимоий-иқтисодий ҳолатга, аҳоли соғлиғи ва генофондига салбий таъсири ҳалокатли ва тўғрилаб бўлмайдиган кўлам касб этмоқда", деди вазир жаноблари.

У бугун сўз Орол бўйида сақланиб қолган табиий-экологик тизимнинг бутунлай йўқ бўлиб кетилишининг олдини олиш, одамлар яшаши учун энг минимум шароитларни яратиш, мавжуд флора ва фаунани сақлаб қолиш ҳақида кетаётганини айтиб ўтди.

"Фурсатдан фойдала-

ниб, халқаро донорларни Оролнинг қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол бўйида экотизим ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга оширишга кўмаклашишга чорлайман", деди Абдулазиз Комилов.

Абдулазиз Комилов ўз нутқида Марказий Осиёнинг икки йирик трансчегаравий дарёси - Амударё ва Сирдарё сувларидан оқилана фойдаланиш масаласига эътибор қаратди. "Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон ва Қирғизистоннинг йирик тўғонли янги улкан ГЭСларни, хусусан, Амударёнинг юқори оқимида 350 метр баландликдаги тўғонли Роғун ГЭСи ва Сирдарёнинг юқори оқимида 275 метр баланд тўғонга эга Қамбарота ГЭС-1ни қуриш режалари бизни хавотирлантормасдан қўймайди", деди вазир.

Абдулазиз Комиловнинг экспертлар фикрига таяниб айтишича, бундай ёндашув дарёларнинг табиий оқими бузилишига ҳамда ўта хавфли экологик ва социал-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Вазир трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида манфаатдор мамлакатлар билан келишмаган ҳолда гидроэнергетик иншоотларни қуришга йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этди. Абдулазиз Комилов янги гидроиншоотларнинг дарёлар табиий оқимида, атроф муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эҳтимолий таъсирини баҳолаш учун БМТ шафелигида Роғун ва Қамбарота-1 ГЭСларини холис халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлигини қатъий таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов нутқининг тўлиқ матнвизирлик сайтида жойлаштирилган.

Vol. 30. Monday,
October 21, 2013

Publisher:

Farhod Sulton

Deputy Editors:

Murod G'afurov

Nilufar Salimova

Managing Editors:

Jora Bo'takoz

Narkhudja Sadikov

Hikmat Sulton

Abdumalik Ahmedov

Web Developers:

Shohruh Kenjaev

**Editorial and Executive
office:**

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com

Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

"ВАТАНДОШ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси расмий сайти янгиланмоқда. Консулхона берган маълумотларга кўра, консуллик хизматларини соддалаштириш ва тезлаштириш, қабулни узоқдан-узоқ кутиш ҳамда кўриб чиқилган ҳужжатлар бўйича саволларга жавоб олиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида алоҳида консуллик ҳаракатлари бўйича фуқаролар билан интерактив фаолият жорий қилинди.

Нью-Йоркдаги Ўзбекистон Бош консулхонаси қабулига онлайн ёзилиш мумкин

Хусусан, илгари тақдим қилинган хизматлар бир қаторда сайтдаги қўшимча хизматлардан фойдаланиш мумкин:

2013 йил 20 сентябридан Бош консулхона қабулига онлайн ёзилиш мумкин. Консулхона вакиллари кўра, ҳозирча фақат биринчи ўринда дастлабки қабул вақтини белгилаш ва келиш кунини аниқлаш учун ушбу хизматдан фойдаланиш мумкин бўлади. 2013 йил 20 октябрдан эса Бош консулхонага барча ташриф буюрувчилар сайт орқали тақдим этилган махсус қайднома орқали қабул қилинади. Дастлабки қайдномасиз қуйидаги шахслар қабул қилинади:

- Виза бўйича мурожаат қилаётган фуқаролар
- Консул билан келишилган тартибда ёки сайтда ҳужжат тайёр бўлгани ҳақидаги ахборот пайдо бўлгандан сўнг Бош консулхонага келадиган шахслар.

Сайтда консуллик хизматлари

ҳақида кўп сўраладиган саволларга жавоблар билан танишиш мумкин (У ҳозирги кунда якуний босқичда). Сайтда, шунингдек, консуллик фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида ҳам ахборотлар жойлаштириб борилади.

Сайтда, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасидаги тегишли жисмоний ва юридик шахслар номига юбориладиган Бош консулхонада нотариал тасдиқланадиган ҳужжатларнинг асосий турлари намуналари ҳам тақдим қилинган. Ҳужжатлар Бош консулхонага дастлабки қабулга ёзилиш қайдномаси тўлдирилгандан сўнг пайдо бўлади.

Тақдим этилган ҳужжатлар намуналарини юклаб олиб, тўлдириб, notary@uzbekconsulny.org электрон почтасига дастлабки қабул вақти

ва санасини кўрсатган ҳолда юбориш талаб қилинади. Шундан сўнг шахснинг ўзи келиб, тўлиқ кўриб чиқилган ҳужжатни имзолайди ва у консул томонидан тасдиқланади. Консулхона вакиллари кўра, ушбу амалиётнинг татбиқи этилиши узоқдан-узоқ навбатга туришларнинг олдини олади, ҳужжатларни қўлда тўлдириш учун кетадиган вақтни тежаш имконини беради.

Сайтда, шунингдек, "Ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳолати" бўлими ташкил этилган. Унда ташриф буюрувчилар ўзлари топширган ҳужжатларнинг кўриб чиқиши қандай босқичда эканлигини кузатиб боришлари мумкин. Ҳозирда у қуйидаги консуллик хизматларига татбиқ этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига АҚШ ва Канада доимий яшаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга;
2. Ўзбекистондан Республикаси-


дан тегишли ҳужжатни талаб қилиш учун ариза;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини алмаштириш (Бунда 1995 йилда жорий этилган паспорт намунаси ҳақида гап бормоқда).

Ушбу саҳифада Бош консулхонага 2013 йил 1 июлидан кейин топширилган ҳужжатлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилади.

Ҳозирги кунда Бош консулхона сайтининг ўзбек тилидаги версияси маромига етказилмоқда, инглиз тилидаги шакли эса янгиланмоқда. Веб-сайт иши бўйича Бош консулхона вакиллари тақлиф ва мулоҳазаларни info@uzbekconsulny.org электрон почтаси орқали қабул қилади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси фаолият ҳудудига АҚШнинг 32 штати, Канада, Мексика ва Марказий Америка мамлакатлари киради.



Шавкат Мирзиёев: 2016 йилга бориб пахта йиғим-терими 80-90 фоиз техника воситаларида амалга оширилади



Ўзбекистон 2016 йилга бориб пахта йиғим-теримини 80-90 фоиз механизациялашган тартибга амалга оширади. Буни IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев айтиб ўтган. Бу ҳақда "Trend" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, жорий йилда мингдан ортиқ ТТЗда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари пахта йиғим-теримида жалб қилинган.

Ш. Мирзиёев Ўзбекистон машинасозлари томонидан техник параметрлари, нарх кўрсаткичлари ҳамда сервис хизмати бўйича фермерларнинг бугунги талабларига жавоб берадиган мутлақо янги пахта териш машиналари яратилганини айтиб ўтган. 2014 йилда ТТЗда уч мингта пахта териш машинаси ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

"Биз пахта териш техникаларини

такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттираемиз. Ҳозирги кунда энг замонавий техник ишланмалардан фойдаланилаётган 6 русумдаги пахта териш машинаси синовдан ўтмоқда", деди Ш. Мирзиёев.

1991 йилга қадар Ўзбекистонда пахта мавумида 50 мингга яқин пахта териш машинаси жами пахтанинг 70 фоизини йиғиб олишда ишлатилган.

Ўзбекистонда ҳар йили 3,5 миллион тонна пахта толаси етиштирилади. Бу борада дунёда 6-ўринда туради, экспорт қилиш бўйича 3-ўринни эгаллайди.

12 октябрь куни кеч соат 23.54да Россия Федерациясининг Самара вилоятида "Тойота" русумли микроавтобус йўлнинг қарама-қарши тарафига ўтиб кетган ва "Мерседес" русумли юк машинаси билан тўқнашиб кетган. Жиддий йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 13 киши вафот этди.



Россиянинг Самара вилоятидаги йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 11 нафар Ўзбекистон фуқароси ҳалок бўлди

"Регнум" ахборот агентлигининг Россия Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматига асосланиб хабар беришича, йўл-транспорт ҳодисаси "Самара - Большая Черниговка" автомобиль йўлининг 132-километрида юз берган. Бунга микроавтобуснинг олд шинаси чиқиб кетиши сабаб бўлган.

Микроавтобус ва юк машинаси тўқнашуви натижасида 11 нафар Ўзбекистон фуқароси, 2 нафар Тожикистон фуқароси ва бир нафар Озарбойжон фуқароси ҳалок бўлган. Машина бутун-

лай ёниб кетган. Ҳайдовчи ва яна бир йўловчи касалхонага ётқизилган.

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатларини бартараф қилишга 35 нафар турли идоралар вакиллари ҳамда 12 та техника воситаси жалб қилинган. Туман касалхонасида шифокорларга психологлар ёрдам бермоқда. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳалок бўлганлар ва жабрланганлар оиласи ва яқинлари учун (846)337-72-82 "ишонч телефони" негизда тезкор ёрдам линиясини ишга туширган.

Бруклинда "Ватандош" Ўзбек-Америка жамиятининг сайли бўлиб ўтди

Шу ойнинг 29 сентябрь куни Нью-Йоркнинг Бруклин шаҳрида Нью-Йорк ва қўшни штатларда истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар сайли бўлиб ўтди.

Маҳаллий тил билан айтганда пикник, аниқроғи бунақа катта йиғилиш ҳали Бруклинда бўлган эмас. Сайлда тахминан 600 нафарга яқин ватандошлар, меҳмонлар йиғилишди. Улар яқинлари, таниш-билишлари даврасида мазмунли ва асосийси, қувонарли вақт ўтказишди.

Сайл яқиндагина Бруклиндаги фаол етакчилар ташаббуси билан ташкил этилган Ватандош Ўзбек-Америка жамияти томонидан ташкил этилди. "Ушбу сайлдан асосий мақсад юртдошларимизни бирлаштириш, Ватанни соғинганлар учун оз бўлса-да Ватан туйғусини улаша олиш, қолаверса келажак авлодимиз бўлган болажонларни

тенгдошлари билан ўйнаб-кулишига шароит яратиб бериш ва албатта, миллий анъана, куй-қўшиқ, ва таомларимизни соғинганларга уларни етказиб бериш эди", дейди тадбир ташкилотчилари.

Қизиғи шундаки, тадбир эслатиб ўтганимиздек 400 тача одамга мўлжалланган бўлсада, аммо 600



тиш, волейбол, футбол ва бадминтон каби ўйинлар авжга олди.

"Ҳозир, айниқса, Бруклиннинг ҳар чеккасида ўзбекча, миллий ошхоналарни учратиш мумкин, шунинг учун бизга миллий таомлардан ҳам кўра, ўз юртдошларимиз даврасида вақт ўтказиш, улар билан дийдорлашиш, суҳбатлашиш, қолаверса фарзандларимизни ўзбек тенгдошлари орасида хурсанд кўриш муҳимроқ, қизиқарлироқ эди", дейди самарқандлик ҳамюртларимиздан бири.

Дарҳақиқат, ушбу кун барчамиз учун унутилмас тадбир бўлиб қолди. Кимдандир раҳмат, кимдандир таклиф, яна кимдандир эса тавсия олганимиздан, юртдошларимизнинг бир бирига бўлган қизиқиши, қайғуриши ва талабчанлигига амин бўлдик. Кўпчиликнинг тили билан айтганда шу каби йиғилишлар, сайллар кўпроқ бўлса барчамиз учун ҳар томонлама жуда фойдали бўлар эди. Ушбу сайл ташкилотчилари, жонкуярларига меҳмонлар ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

"Ватандош" Ўзбек-Америка жамияти муассислари Жўра Бўтакўз, Норҳужа Садиқов, Ҳикмат Султон, Абдулмалик Аҳмедов, Абдулвоҳид Сабри, Шокабр Шотурсунов ва Асқар Убайдуллаев ва барча ёрдам берганларга пикникни ташкиллаштиришдаги ёрдами учун ташаккур билдирамыз.

тага яқин меҳмонлар ташриф буюришди. Шунча ватандошларнинг бир жойда йиғилишганларини кўрган кўзлар қувонади албатта. Меҳмонлар нафақат Нью-Йорк, балки АҚШнинг бошқа кўплаб штатларидан ҳам ташриф буюришди. Ҳаттоки тадбир ўрталарида Кеннедй Аэропортидан тўғри шу томонга қараб келган бир гуруҳ меҳмонлар ҳам бор эди.

Сайлда маҳоратли раққоса Замира Салим ўзининг "Ўзбекистон Гуллари" деб номланган рақс дасталари билан турли туман миллий ва замонавий чиқишлар билан барчани мамнун этди. Даврани суҳандонлар Сиддиқ Саноев, Дилшод Зокиров ҳамда Фароғат Эшбековалар ажойиб тарзда очиб беришди. Сайл ватанимиз мадҳияси янграгандан сўнг эса расман очиқ деб эълон қилинди. Даврани кўтаринки кайфиятда бошлаб олишган меҳмонлар ва уларнинг болажонлари орасида эса арқон тор-

Эркин ВОҲИДОВ

ТИРИК ХАЗИНА ЁХУД ЖАҲОНГАШТА СЎЗ

Ҳар улфатнинг ўз ҳангомаси бор, деганларидек, шоир, ёзувчилар йиғилиб қолса, баҳс-мунозара кўпинча Сўз устида кетади. Негаки, бизни бинокор деса ғиштимиз, деҳқон деса даламиз, ғаввос деса уммонимиз, учувчи деса осмонимиз - Сўз.

Дунёда қанча ижодкор бўлса, шунга тафаккур тарзи, шаклланган кўзқараш бор. Айниқса, Сўздек рангин, мураккаб, серқирра мавзу устида гап кетганда фикрларнинг бир жойдан чиқиши қийин. Ҳар кимда бир нуқтаи назар ва ҳар нуқтаи назарда бир ҳақиқат бўлади.

Яқинда шундай баҳслардан бири маҳкама сўзи ҳақида бўлди. Бир томон маҳкама ҳукм чиқариладиган жой, яъни суд, эски замонда қозихона шундай аталган, деса, иккинчи томон, ҳукм сўзидан ҳукумат келиб чиққани, ҳукумат идораси маҳкама бўлишини далиллаб эътироз билдирди. Биринчи томоннинг маҳкамага бериш, маҳкамага тортиш каби далиллариға қарши ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор, деган қарши қўйилиб, бу сўзнинг идора маъносига урғу берилди. Бу фикр кўпчиликка мақбул бўлди.

Азалий кадрятлар тикланаётган замонда тилшунос олимларимизнинг бу жонбозликлари, айниқса, зиёлиларни "қора" халққа эргашиш эмас, балки йўлбошчи бўлишга чорлашлари адолатли нидодир.

Лекин орзулар бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан. Мен ҳам она тилимизнинг Ҳазрат Навоий замонидаги кўрки, бўй-бастига қараб ҳавас қиламан. Қани эди, буюк шоирнинг сўз бойлиги шу кунда ҳам тўлиғича тасарруфимизда истифода бўлса, дея орзулар қиламан. Не иложки, жамиятнинг ҳам, тилнинг ҳам тараққиёт қонунлари бизнинг ихтиёримизда эмас экан. Оғиздаги тилга хўжайинлик қилишимиз мумкин, лекин жамият ҳодисаси бўлган Тилга ҳукм ўтказиш иложсиз экан.

Биз илму ижод аҳли қанча талашиб тортишмайлик, бир фикрда ҳаммамиз яқдилмиз: тил ёлғиз мутахассисларнинг мулки, хусусий томорқаси эмас. Уни бойитиш, гўзал қилиш, хас-хашаклардан тозалаб бориш - умумхалқ ишидир.

Мен ҳам шу буюк хазинанинг битта баҳраманди сифатида Сўз ҳақида кўнгил сўзларимни айтмоқчи, сиз азиз муштарийларни баҳсга чорламоқчи бўлдим.

Бир пас неча дақиқа?

Болалиқдаги шеърый машқларимнинг бирида, шаббода, тўхта бир пас, деб ёзган эканман. Деворий газета муҳаррири, ўзбек ада-

бий тилида бир пас деган сўз йўқ, бир нафас дейиш керак, деб ўзи қизил қалам билан тўғрилаб қўйган.

Кўп йиллар ўтиб Навоийнинг "Лайли ва Мажнун"ида шундай байтни кўрдим:

Бир пос чу тундин ўтди ул хайл,

Тушлуқ туши қилди уйқуға майл.

Луғатларга қарадим. Пос - туннинг саккиздан бири, деб шарҳланбди. Демак, тахминан бир соатга тенг тунги муддат - пос, бир соатлик тунги соқчи - посбон, русча часовой маъносидаги атама бўлиб чиқди.

Ажабки, ўз сўзимиз бўлган пос жаҳон кезиб, яна ўзимизга пост шаклида, кўрикландиган жой, соқчининг ўрни ҳамда лавозим маъноларини олиб қайтибди.

Пос - ўзимизнинг сўз, деб хато айтмадим. Асли форсча ёки арабча ўзакка эга бўлган, асрлар давомида тилимиз таркибида яшаб бизга хизмат қилаётган сўзлар ҳам албатта ўз сўзларимиздир.

Худди шундай, рус, можар, араб, тожик ва бошқа тилларда хизмат қилаётган ўзбек сўзлари ҳам ҳозирги эгаларига буюрсин.

Биз бир пас деб ишлатадиган пос - жайдари сўзимизнинг жаҳон саҳнида топган юксак мартабаси кечаги чопқиллаб юрган бўз боланинг аскар бўлиб ҳарбий кийимда виқор билан қайтганини эслатади.

Демак, ўзбекнинг бир паси бир соат бўлар экан. Гапимни бир пасда тугатаман, деган сўзнинг маъносини ўзингиз тушунаверинг.

Фуқаролар дейиш тўғрими?

Бамисоли уламо, фузало олиму фозилнинг кўплик шакли бўлганидек, фуқаро ҳам фақирлар, яъни камбағаллар, йўқсиллар демакдир. Қоидага кўра фуқарога ҳам лар қўшиш хато бўлади.

Илмий, мантиқий нуқтаи назардан ҳам, шаклу мазмун жиҳатдан ҳам бу ҳуқуқий атама устида турли баҳслар юради.

Лекин замон кўзи билан қарасак, фуқаро ҳам меҳнаткаш атамаси билан қисматдош экан. Ҳар икки сўз маж-

руҳлик, тубанлик, бахтсизлик чоҳидан озод бўлиб кадр-қиммат минбарига юксалибдилар.

Шундай камол топган сўзларга дуч келганимда, ўзбекнинг сўзи - ўзбекнинг ўзи, деган фикр кўнглимдан ўтади.

Қадим замонларда Миср султонлари асирликка олиб ўз мулкига айлантирган, яъни мамлук қилган аскарлар вақт келиб султонларни қулатгани, беш юз йил Мисрда ҳукм сургани тарихдан маълум.

Аслида қул маъносини англатувчи мамлук Мамлуклар салтанати бўлиб соҳиблик мақомини олган эди.

Келиб чиқиши фақир бўлган фуқаронинг бугунги соҳиблик мақоми ана шу тарихни эслатади. Фарқ шуки, фуқаро ҳозирги мақомга қадам-бақадам кўтарилган, аввал хожанинг фуқароси, сўнг амиру султоннинг, бора-бора мамлакатнинг фуқароси қадар етиб келган. Камбағаллик маъносини йўқотабориб, аввал тобелик, сўнг муайян жамоага аъзолик даражасига етган.

Навбатдаги савол: Фуқаро сўзига лар қўшиш мумкинми? Асли маъносида, албатта, йўқ! Лекин янги маъно касб этгач мумкин экан.

XIX аср бошларида Кўқонда яшаб ижод этган ўз замонининг малик уш-шуароси бўлган Фазлийнинг: Сенга арз этар фуқароларининг, - деган сўзлари бор. Бу ғазалга шоир Вола боғлаган муҳаммас "Бозургоний" куйига солиб ҳали ҳамон айтилади. Демак, бундан икки аср аввал фуқаро амирликка тобе инсон маъносида ишлатилган ва фуқаролар шакли ҳам мавжуд бўлган.

Бугун энди фуқаро сўзи жулдур тўнини ечиб, замонавий либосда қад кўтарган. Бир қўли билан русча гражданин, иккинчи қўли билан инглизча ситизен сўзларини маҳкам ушлаб дунё саҳнида мағрур турибди.

Зотан гражданин ҳам, ситизен ҳам ўзларининг аввалги шаҳарлик деган маъно-



ларини аллақачон тарк этганлар.

Мадина ва маданият

Маданият арабча мадина, яъни шаҳар сўзидан олинганини биламиз. Қадим замонлардан саҳройи араблар бадавий, шаҳарликлар маданий бўлганлар. Ўзбек тилига ҳам айни маънода кириб келган. Аёнки, ҳамма давр, ҳамма эл-элатларда шаҳарлар маданият ўчоғи ҳисобланган. Биз бугун қишлоқ маданияти деганда ҳам қишлоқнинг шаҳарлашувини тушунаемиз.

Мадина ва маданият ҳақидаги ўйлар мени маданият ўзи аслида нима, деган саволга рўбару қилди.

Маданият оқ кўйлак кийиб, галстук тақиш, тавозе ва мулозаматни ўхшатишдами? Ёки рисоладагидек уй тутиш, саранжом-саришталикми у?

Ғариб сўзлар, ғаройиб сўзлар...

Юртдан кетиб баъзан гадо бахтга ёр бўлур, ғарибликда тахтга ёр ҳам хору зор бўлур, деганларидек мусофирлик Сўзнинг бошига ҳам яхши-ёмон кунларни солар экан.

Йигит сўзи Россияга кетиб джигит бўлди, баҳодир - богатырь бўлиб кадр топди. Лекин полвон - болванга, паҳлавон - ахламонга айланиб хор-зор, шармандаи шармисор бўлдилар.

Туркиялик бир дўстимиз бор. Ўзбек адабиётининг катта билимдони, тарғиботчиси. Кўп китобларимизни туркчага таржима қилиб нашр эттирган. Исми нима денг? Ёвуз! Ёвуз Оқбинор.

Усмонли турк тилида ёвуз сўзи ботир, баҳодир маъносини билдиради. Туркия тарихида Ёвуз исмли султонлар ўтган.

Қарангки, бизнинг полвон ва паҳлавон сўзларимизга келган кўргилик қардош тилдан ўтган ёвуз сўзининг ҳам бошига тушибди.

Уста таржимонлар кўпинча қардош тиллардан таржима қилишни унча хуш кўрмайдилар, бу ишдан иложи борича қочадилар. Юзаки қарашда осон кўринган бу иш аслида жуда мураккаб экан. Негаки таниш сўзинг сени чалғитиб, уялтириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Бундай ҳолатга мисол қилиб ўзбек муҳожирларининг бир ажиб саргузаштини ҳикоя қиладилар.

Инқилоб йилларида Туркистондан қувғин бўлган бир гуруҳ ватандошларимиз Истанбулда паноҳ топган эканлар. Шаҳар волийси уларни ҳузурига чорлаб ҳурмат кўрсатибди, қандай истак-орзулари борлигини сўрабди. Шунда меҳмон ўзбекларнинг улуги тавозе билан бундай дебди: Илтифотингиз учун ташаккур, жаноб волий, ҳар нарсамиз етарли. Фақат бекормиз, бизга корхона керак.

Бизга бобо бўлган ўша содда ўзбек қаердан билсин-ки, Туркияда бекорнинг маъноси бўйдоқ, корхонанинг маъноси эса ишратхона, исловотхона...

Ана кўринг ҳангомани! Шундай табаррук юртдан келган иззатли мусофирлар биз бўйдоқмиз, ишратхона керак деб турса, волийнинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг.

Тилнинг жони бор

Ҳа, тилнинг жони бор экан. Бекорга жонли тил деб аталмас экан.

Агар тилни хазина десак, у кўмиб қўйилган ё сандиқда сақланадиган хазина эмас, балки ипак қурти каби тирик хазина экан.

Ҳозирги замонда кичкина дискеталарга сиғиб кетган юз минг сўзлик луғатлар менга гугурт қутисига жо бўлган сонсиз пилла уруғини эслатади.

Хитойдан қадимда бу уруғни ҳасса ичида яширин олиб чиққан сайёҳ ангишводек тешикчадан оламга битмас хазина тарқатган эди. Ўша сайёҳ ўзбек бўлганига менда шубҳа йўқ.

Ажабо, тарикдек уруғдан жонивор униб чиқиб пилла ўраши, капалакка айланиб учиши биз юқорида тилга олган ва тилга олмаган минг-минг сўзларнинг замон ва макондаги эврилишларини эслатмайдимми?

Тил - хазина. Улкан адабиётимиз Пиримқул Қодиров ёзганидек, эл ганжинаси. Ҳечбир инсон, мен тилшунос ёки ёзувчи эмасман, деб ўзни четга олмаслигимиз керак. Бу ганж соҳиблари ҳам, посбонлари ҳам барчамиз.

Она тилимиз меҳри ва гурури кўнгилларга илҳом, тоғларни талқон қилгудек куч-қувват бағишласа ажаб эмас.

Яқинда Чикаго шахридаги ўзбеклар жамияти мустақиллик байрамига атаб ватандошлар сайлини ўтказди. Уқишга алоқадор сабаб билан яқин жойда яшаётганимиз учун оилавий бўлиб биз ҳам шу тадбирга бордик.

Чикагодаги ўзбеклар жамиятига алоҳида ҳурматим бор. Чикаго Ўзбек-Америка Ассоциациясининг ҳозирги раҳбари Олимжон Шарипов жуда фаол одам, ўзбек маданияти ва маънавиятининг ғамхўр фидойиларидан. Асл касби ҳисобчи бўлишига қарамай, адабиётни севади, ўзи ҳам ижод қилиб туради.

Хориждаги Ватандошимга: Тилингиз тугилиб қолмадимми?

Жамиятнинг аввалги раҳбари Сирожиддин Насафий ҳам ватанпарвар, миллатпарвар бир одам эди (Бу киши ҳозир ҳам уюшманинг фахрий етакчиларидан). Ҳар бир гапидан ватаннинг, маънавиятнинг иси келади.

Хуллас, шу кунги тадбирда Олимжон ака болалар учун дам олиш кунлари ўзбек тили дарслари ташкил қилинса, деган ташаббусни олға сурдилар. Бир столга битта қоғоз қалам қўйиб, келган ҳар бир одамдан, шундай дарсларни керак

деб ҳисоблайсизми, деб сўраб, одамларнинг исми-шарифларини қайд этиб борди.

Кузатиб турдим, ватандошларимизнинг аксарияти бепарво. Йўқ, керак эмас, деяётганлар ҳам бор. Айримлари эса Олимжон аканинг такрор-такрор айтганларидан уялиб ёки мажбурийат юзасидан номини ёздириб қўйяпти.

Даврада каминанинг журналист деган номи бор. Олимжон ака менга шу масала юзасидан ҳаммага қарата бир насихат қилсангиз, деб қолди.

Биринчидан, жамоат жойида гапиришга уқувим йўқ. Иккинчидан, бундай давраларда бундай масъулиятли мавзуда гапиришга ўзимни ҳақсиздек кўрдим. Лекин гапирадиган бошқа одамнинг ўзи ҳам йўқ экан.

Аввал Олимжон ака ўзлари гапирдилар. Кейин яна кимда қанақа фикр бор, деб ўртага савол ташладилар. Мен туриб, она тилимизни чет элда асраб-авайлашнинг муҳимлиги ҳақида 1-2 оғиз гапирдим.

Хуллас, калаванинг учи энди келяпти. Қиссадан хисса эмас, битта савол туғилди: Хорижда ўсаётган ўзбек болаларининг ўз она тилларини сақлаб қолишига эришиш мумкинми? Бу шартми ўзи?

Ўша кунги йиғинда ёш болаларни кузатиб турдим. Ҳаммаси бири-бири билан инглизча чувалашиб юрибди. Демак, улар аллақачон ўзбек тилини унутган...

Уч ёшга тўлаётган қизим бор. Менинг фарзандларим ўзбек тилида равон гапиришни, ўқишни ва ёзишни билиши керак, деб ўзимча кўкрак кераман. Шу қизимнинг тили чиқиб, ҳозир бутун гапларни гапиришни бошлаган. Албатта, ўзбек тилида.

Яқинда уни богъчага бердик. Қатнаётганига икки ой бўлди, лекин ҳозирдан инглизчалаб

бидирляпти. Ҳатто биз ўзбекча гапирсак ҳам, у инглизча жавоб қайтаряпти.

Бошида хурсанд бўлдик, қизимиз инглизча гапиришни ўрганиб олибди, деб. Кейин бошга ғулғула тушди. Бу кетишда у ўзбек тилини буткул унутади-

лини. Ватанимизни бой бердик (Китоб совет даврида ёзилган). Динимизни ҳам йўқотдик (Советларнинг даҳрийлик сиёсатига ишора қилинган). Энди тилимизни ҳам унутсак, биз ким бўламиз?"

Бу гаплар хорижда умр кечираётган биз каби одамларга қарата айтилаётгандек.

Америкада туғилиб ўсганлар орасида тилини бой бермай, уни тўлиқ асраб қолган бирини мен ҳали эшитмадим. Агар отаси диндор бўлмаса, тез орада мўмин-мусулмонликни ҳам унутади ва натижада кўпчиликка қўшилиб кетади. Бунга битта мисол келтираман (Лекин бу ўзбекистонлик ҳақида эмас):

Бир америкалик одам Ислонни қабул қилибди. Ундан бу қандай содир бўлди, деб сўрашибди. Ота-боболаримнинг шажарасини ўрганаётган эдим, қарасам, уч авлод олдинги бобом нафақат мусулмон, балки олим зот бўлган экан; шундан сўнг бу динга қизиқиб, уни ўрганишга тушдим ва натижада ўзим ҳам мусулмонга айландим, деб жавоб берган экан...

Америка маданиятида мен севадиган, ўзим ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган ижобий жиҳатлар жуда кўп. Уларга ҳурматим чексиз. Лекин мен ўзбекман, мусулмонман. Ўзимга хос бўлган маданиятим бор, дунёга қарашим бор. Бу масалаларда мен америкаликлардан фарқлиман. Фарзандларим ҳам мен кадрлаган нарсаларни кадрлашини хоҳлайман.

Назаримда, тил ана шу ўзига хос маданиятимизни биз билан богълаб турадиган бир кўприк. Шу кўприк бузилса, ўзлик ва ўзбеклик ўртасида узилиш рўй беради. Натижада оммага қўшилиб, бирга оқиб кетамиз, йўқ бўлиб кетамиз.

Шунинг учун тилингизни асранг, Ватандошим.

Беҳзод МАМАДИЕВ.

Ватандошларимиз учун бепул тил курслари ташкил қилинди

Vatandosh Ўзбек-Америка Федерацияси ҳамда Living Way нодавлат нотижорат ташкилоти Нью-Йоркда яшовчи юртдошларимизга БЕПУЛ инглиз, рус

ва ўзбек тиллари курсларини ташкил қилди.

Инглиз тили дарслари америкалик ўқитувчилар томонидан ҳафтанинг СЕШАНБА ва ПАЙШАНБА кунлари соат кечки 7.00дан 9.00га қадар;

Ўзбек тили ва адабиёти ҳафтанинг ЖУМА куни соат кечки 6.00дан 8.00га қадар;

Рус тили ҳафтанинг ЖУМА куни соат кечки 6.00дан 8.00га қадар моҳир педагоглар томонидан ўтилади.

Манзилимиз: Manhattan School of Computer Technology

**931 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11230**

Батафсил маълумот учун телефон: 212-372-30-50 (Фарҳод)

**VATANDOSH
UZBEK-AMERICAN
FEDERATION**
Cultural & Community Center

Мансур Жумаев: "Бруклинда ДЗЮДО бўйича спорт клуби очмоқчиман"

"Спортда миллат бўлмади, унда ҳамма ака-ука, опа-сингилдир"

Дарҳақиқат, куч - бирликда бўлгани каби, спортда ҳам натижа ҳамжиҳатликдан, ўзаро иноқликдан вужудга келади. Ҳар бир муваффақиятга элтувчи йўлнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлганидек, спорт ҳам улкан меҳнат, сабр-тоқат, ташаббус ва талабчанлик талаб этади. Айнан ушбу омиллардан бири эса кишининг, спортчининг ўз мақсади йўлидан чекинишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Аммо, юқорида эслаб ўтилганидек, ҳар бир спортчи касбдошидан ўрнак олади, унинг ютуқларидан эса куч, ғайрат олади. Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, юртдошимиз Мансур Жумаев ҳам ўз ватандошларига, тенгдошлари-ю шогирдларига ўрнак бўлаётган фидойи спортчиларимиздандир.

Мансур Жумаев асли Бухоролик бўлиб, у 1975-йилнинг май ойида туғилган. 12 ёшида спортга қизиқиши баландлигини сезган ҳамда отасидан Самбо курашига қатнаш учун рухсат сўраганида, отаси: "Ўғлим, ушбу бошлаётган ишингни охиригача олиб бораман, олдимда бир мақсад қўйиб унга албатта эришаман деб ваъда берсангинга рухсат бераман. Ярим йўлга етганингда бирор бир сабаб билан ортга чекинадиган бўлсанг, яхшиси бормай қўя қолгин" дейди. Бунга жавобан эса бўлажак чемпион шундай дейди: "Отажон, мен буларнинг ҳаммасини ўйлаб қўйганман, спортга қизиқишим жиддий, мақсадимга албатта эришим керак."

Отасининг рухсати билан биргаликда унинг дуосини олган спортчи бутун куч қудрати, ғайратини спортга бағишлайди. "Жуда кўп машқ қилардим, вақтининг деярли ҳамма қисми машғулотлар билан ўтарди. Мураббийимиз 10та тош кўтар деса, мен 20тадан кўтарардим. Балким шунинг учундир, ёшлигимдан нафақат тенгдошларимни, балки ўзимдан ёши катта бўлган рақибларимни ҳам курашда ютардим" дейди у.

Кейинчалик ўз келажагини спортнинг "Дзюдо" йўналишида кўрган Жумаев айнан ушбу йўналишнинг мохирлари, чемпионлари қўл остида тарбия кўради, улар билан ҳамнафас курашади. 3 йилдан ортиқ вақт давомида у чемпион Камол Муродов, ва Ўзбекистон-

га биринчи бўлиб халқаро медаллар олиб кирган спортчилардан Фарҳод Тураев ҳамда Рустам Тураевлар билан фаолият юритади. 13 ёшидан бошлаб Ўзбекистон Спорт Захиралари Спорт Мактабида таҳсил олади.

Ўқиш йилларида тинимсиз ҳаракатлари натижасида, ёш бўлишига қарамай Мансур Жумаев жуда тез халқ орасида танилади ва халқаро мусобақаларда қатнашиб фахрли ўринларни эггалайди. Ютуқларини ҳисобга олиб "Спорт мастери" номини бермоқчи бўлган маълум бир спорт муассасалари спортчининг ёши кичкиналиги сабаб рад жавоби олишади.

Энди спортнинг мутахассислик даражасини кўзлаган спортчи, ўз мақсади поғоналаридан бири бўлган қадам - армия хизматига йўл олади. Оз муддатда ўз иқтидорини намойиш эта олишга улгуриб, "Спорт Рота" сига ўтказилади. Кейинчалик эса Армиялар ўртасида ўтказилган Жаҳон Чемпионатида қатнашишга муваффақ бўлади. Мансур Жумаев дзюдо бўйича 10 карра Ўзбекистон Республикаси Чемпиони, ҳамда 2 карра Осиё Чемпиони (Япония ва Хитойда ўтказилган) бўлишга эришган. 1997-ва 1999-йилларда Жаҳон Чемпионатида чиққан.

1999-йил Африка Ўйинларида ҳамда Туркиядаги Мусобақада фахрли 1-чи ўринни эгаллаган. Ушбу йилнинг ўзида Англияда ўтказилган Жаҳон Чемпионатида ҳам қатнашиб муносиб тақдирланган.



1999-йилда Бакуда ўтказилган халқаро мусобақада эса Гранд При соҳибига айланган. 2000-йилда эса Австралияда бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Ўйинларида муваффақиятли қатнашган.

Ҳозирда АҚШнинг Нью Йорк штатида истиқомат қилаётган спортчининг ҳали ханўз ўз олдида қўйган мақсадлари улкан. 2001-йилнинг Март ойида Хиллари Клинтон иштирокида Нью Йорк очик чемпионати курашида қатнашиб ғалаба қозонган спортчи ушбу йилдан бери шу ерда фаолият юритади. 2001-йил Нью Йорк шаҳарлари ўртасида ўтказилган мусобақада (81кг) 1-ўринни, ҳамда АҚШ очик курашида 3-ўринни эгаллаган. 2002-йилда эса ва ниёҳат Америка Чемпионати кўлга киритган.

Янги ҳудудга мослашиш мақсадида биринчи навбатда тил ўрганиш курсларига қатнаган, ва ундан кейин эса коллежда таҳсил олишни бошлаган. Мослашиш жараёнлари, оила, фарзанд, ва машғулот давомида олган жиддий жароҳат сабабли спортдаги фаолиятига бироз тўхтатиш киритган Мансур Жумаев ўзининг шахсий юк машинаси билан тадбиркорлик соҳасида ўзини синаган, ва муваффақиятга эришган. "Ҳозирда собиқ шогирдларимдан, уларнинг ота-оналаридан, қолаверса америка-

лик ва рус ота-оналаридан дзюдо бўйича спорт клуби очишимга жуда кўп таклифлар етиб келяпти." дейди Жумаев.

Талаблар қаердан келиб чиқади деган савол билан мурожаат этганимизда Мансур Жумаев шундай жавоб берди: "Мен машғулотлар давомида спорт билангина чекланиб қолмайман, ўзбек болаларини ўзбекона тарбиялайман, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, ўз ишларида, мактаб вазифаларида жавобгарлик каби масъулиятларда ҳам сабоқ бериб бораман. Айниқса болаларни ўз фарзандларимдек кўраман, шундай пайтлар бўлганки ўзим ҳам болалардек уларни орасига кириб, ёшларига мос ҳаракатлар қилиб улар билан курашга тушганман. Буни собиқ шогирдларим жуда яхши билишади. Балким шунинг учун ҳамдир ҳозирда талаблар кучайиб бормоқда. Спорт клубимда нафақат ўзбек болалари, балки бошқа барча миллат вакиллари ҳам ўз тарбиям остига олишни мўлжаллаганман, чунки спортда миллат бўлмади, унда ҳамма ака-ука, опа-сингил бўлиб фаолият юритади. Бу эса ғалабанинг энг асосий омилларидан бири саналади. Менинг мақсадим ҳам шу, ҳамжиҳатлик билан ғалабага эришиш, ватанимиз номини бутун дунё халқларига кўрсатишдир".



Норин Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди

Ўзбек миллий таоми норин Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Марказий Осиё янгиликлари агентлиги хабар беришича, Москвадаги "Козон" чойхонасида энг катта норин таоми тайёрланган. Норин 500 килограммни ташкил қилиб, Гиннеснинг рекордлар китобига "Энг катта норин" сифатида киритилди.

Ушбу жараёнга тайёргарлик бир ҳафта бурун бошланган бўлиб, махсус маросим куни хамир қорилган, ёйилган, тўғралган. Қазми майдаланган. Норинни тайёрлашда Россия сиёсатчилари, бизнеси, маданияти, спорти вакиллари ва фазогирлари ҳам қатнашди. Қўшиқчилар Азиза ва Наталья Нурмухаммедова, фазогир Георгий Гречко, телебошловчи Анна Шатилова ва Владимир Гомильский, бодибилдер Александр Невский, актёр Александр Пятков, бизнесмен Владимир Руга, сатирик Лион Измайлов, "Москва гўзали" Элина Глазунова ва бошқалар шулар жумласидандир. Энг йирик норинни тайёрлаш ташкилотчилари Россия шеф-ошпазлари гильдияси ҳамда "Интеррекорд" рекордлари қайд қилиш халқаро агентлиги бўлди.



OASIS

MEGA MARKET

2828 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
T: (718) 759-6028
www.oasismegamarket.com



- We accept all kinds of credit cards.
- Full program for wic checks.
- Full EBT program.
- We do catering for any occasion.
- We serve Halal & Kosher products.
- We have daily fresh fish.
- We serve daily fresh Halal meat.
- Fresh vegetables & fruits, retail & wholesale.
- Whole line grocery from all around the world.
- Dry nuts local & imported whole line.

*Order over the phone. (free delivery min. \$25)

Reasonable Prices

Store open 24/7.

Everyday Sale Program

FREE DELIVERY!*





NYS CAS

A Division of
TOURO COLLEGE

College with a personal touch

ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

INTEGRATED HONORS TRACKS

Undergraduate/Osteopathic Medicine
Undergraduate/Pharmacy

OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES

• Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

INFORMATION SESSIONS:

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office
Wednesdays, 11 am-7 pm

www.touro.edu/nyscas

- Zamonaviy kompyuter laboratoriyalar
 - Ingliz tili kurslari
 - Kunduzgi va kechki darslar
 - Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
 - Moliyaviy yordam
- Transfer students welcome!



scan here

BROOKLYN: 718.265.6534 x1002

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,
Kings Highway, Starrett City

MANHATTAN: 212.463.0400 x5500

QUEENS: 718.520.5107 x102 Forest Hills

Hurmatli do'stlar!

Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda **ingliz tili va matematikada** yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.

Touro College tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuingizga erishishingiz mumkin.

Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtini yo'qotmang.

Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina

New York School of Career and Applied Studies

Touro College is an equal opportunity institution

Одам зоти хурматталаб бўлади. Зотан, у шунга арзийди. Чунки у ҳайвон эмас; ақл-идроки, фаросати билан бошқа махлуқлардан нафақат ажралиб туради, балки анча юқори поғонада туради.

Шаън, кадр-қиммат ҳар бир инсон ўзлигига хос бир белги, энг кўп ардоқланадиган бойлик. Шаъннинг топталиши эр киши кўтара олмайдиган мусибат экани шундан. Бежизга инсон ҳуқуқларининг бузилиши энг катта муаммо сифатида дунёга жар солинмайди.

Буюрганники эмас, югурганники

Ёхуд эски мақолнинг янгича талқини

Давлатлар одамларни назорат қилиш учун эмас, ҳимоя қилиш учун бунёд этилган. Қонунларга ҳам барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминловчи механизм сифатида қараш керак. Қонундан кўрқиб керак эмас, у билан қуролланиш керак. Шунда сиз ҳуқуқингиз топталганда, қонун асосида уни ҳимоя қилишни ўрганасиз...

Мустақил журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг яқинда ўз шахсий блогида эълон қилган бир мақоласи ўзбек интернет ўқувчилари орасида ўзига хос овоза бўлди. Муаллифнинг ёзишича, у коллежда ўқийдиган набирасини мажбурий пахта теримига чиқишдан сақлаб

қолган. Пул бериш орқали эмас, балки 15 яшар боланинг пахтага олиб чиқилиши ноқонуний экани ҳақидаги қонунни кўрсатгани учун...

Пахта - Ўзбекистоннинг миллий бойлиги. Давлат ялпи ички маҳсулотининг чорак қисмини эгалловчи қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш салмоқли ўрин тутади. Уни нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш терим мавсумида давлат эътиборидаги муҳим вазифага айланади. Ҳар йили олий ўқув юртлари талабаларидан тортиб, давлат идоралари ходимларигача пахта даласига олиб чиқилиши боиси шунда.

Тошпўлат ака амалга оширган ишни бу ерда бежиз тил-

га олмадик. Арзимасдек кўринадиган, лекин ўз ўрнида жасоратли бўлган бу ҳаракат Ўзбекистонда қонунлар борлигини ва ҳақ-ҳуқуқини таниган одам улардан самарали фойдаланаётганини кўрсатади. Ҳатто халқаро ҳамжамиятнинг энг кўп танқидига дучор бўлган масала - фуқароларнинг пахта далаларида мажбурий меҳнатга жалб этилиши мавзусида ҳам қонуний меъёрлар бор экан ва уларнинг амалга татиқ этилаётганини Тошпўлат ака мисолида кўриб қувондик.

Бу иш ҳаммамизга ибрат бўлиши керак. Барча фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларига доир қонун нормаларини ўрганиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тегишли

чоралар кўрилишини талаб эта олиши керак.

Бундан ҳукумат ҳам манфаатдор. Чунки фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини қанчалик яхши билса, жамиятда коррупция, порахўрлик каби иллатлар шунчалик камаяди.

"Долзарб мавзу" рукни остида чоп этилган мақолаларда пахта терими ва мажбурий меҳнатга оид Ўзбекистон қонунчилиги кенг таҳлил этилган ва мажбурий меҳнат қурбони бўлган фуқароларга бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг қонуний йўл-йўриқлари тушунтирилган. Сайтнинг "Савол-жавоблар" бўлимида эса фуқаролардан келган ҳуқуқий саволларга берилган жавоблар ўрин олган.

Ташкилотнинг мақсади - ҳар бир фуқарони ўз шаъни, кадр-қимматини қонун йўли билан ҳимоя қилишга ўргатиш. Шунга биз - оддий фуқаролар эриша олсак, давлат ҳам, халқ ҳам миннатдор бўлади. Аммо бунинг учун ҳар биримиздан икки ҳаракат талаб этилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан бошлаб, барча қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизни ва мажбуриятларимизни ўрганишимиз керак. Иккинчидан эса, фурсати келганда, Тошпўлат Раҳматуллаевдек ўз ҳуқуқларимизни талаб қила олишимиз керак.

Чунки ҳақни таниш буюрганники эмас, югурганники бўлади.

Беҳзод МАМАДИЕВ.

IMMIGRATION

LAW OFFICES of Marina Shepelsky, P.C.

961-74

Attorneys at Law

Member of NY and NJ Bar

2306 Coney Island Avenue, 2 Floor, Brooklyn, NY 11223

Tel.: (718) 717-8821 Fax: (718) 769-2391

E-mail: marina@shepelskylaw.com

АДВОКАТ МАРИНА ШЕПЕЛЬСКАЯ

ОСУЩЕСТВИТЕ СВОЮ МЕЧТУ ЛЕГАЛИЗОВАТЬСЯ В АМЕРИКЕ С ПОМОЩЬЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО АДВОКАТА, КОТОРОМУ ВАША СУДЬБА НЕБЕЗРАЗЛИЧНА

Law offices of Marina Shepelsky, P.C. предоставляет следующие услуги:

- ЗАЩИТА ОТ ДЕПОРТАЦИИ
- ИММИГРАЦИОННЫЙ СУД/ ИММИГРАЦИОННЫЕ АРЕСТЫ И ТЮРЬМЫ
- СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИММИГРАЦИОННЫЕ ИНТЕРВЬЮ
- ПОДГОТОВКА К ИММИГРАЦИОННЫМ ИНТЕРВЬЮ
- ОФОРМЛЕНИЕ ГРИНКАРТЫ/ ГРАЖДАНСТВА
- БИЗНЕС ВИЗЫ
- ВИЗЫ ИНВЕСТИТОРОВ
- ГРИНКАРТЫ ДЛЯ ЖЕРТВ СУПРУЖЕСКОЙ ЖЕСТОКОСТИ
- ВИЗЫ ЖЕНИХА/ НЕВЕСТЫ

Консультации по вечерам и в выходные дни по предварительной записи

ПЕРВАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЕСПЛАТНО!

2013 йилда адабиёт бўйича Нобель мукофотига канадалик ёзувчи Элис Мунро (Манро) сазовор бўлди. Мукофот Манрога "замонавий ҳикоянавислик устаси" бўлгани учун тақдим қилинди.



"Канадалик Чехов" ёки Элис Мунрога Нобель мукофоти нега берилди?

Элис Мунро 1931 йилда Канаданинг Уингем шаҳрида таваллуд топган. Унинг биринчи ҳикояси - "Соля мезони" ("The Dimensions of a Shadow") 1950 йилда ёзилган. Илк китоби эса 1968 йилда нашрдан чиқади. Ушбу ҳикоялар тўплами "Бахтли соялар рақси" ("Dance of the Happy Shades") деб номланади. Мазкур китоб мунаққидлар томонидан ҳам, ўқувчилар томонидан ҳам илиқ кутиб олинади ва генерал-губернаторнинг бадиий адабиёт соҳасидаги мукофотига муносиб кўрилади.

Канада ҳеч қачон Нобель мукофоти олимаган, аёллар эса сўнги уч йил давомида бу мукофотга яқин келмаётган эди. Канадалик Элис Мунро бир қатор нуфузли мукофотлар соҳиби бўлса-да, Нобель кўмитасининг мазкур қарори кўпчиликнинг баҳсларига сабаб бўлди.

Россиялик мунаққид Константин Мильчин сўнги ўттиз йил давомида адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти совриндорлари ижодини кузатиб боришини қайд этиб, гарчи Нобель кўмитаси қарорига баъзан рози бўлса, баъзан эътирози бўлса-да, уларда қандайдир мантиқ борлигини айтади. "Швед академикларининг наздида шундай: дунёда яхши китоблар ҳам, яхши адабиётлар ҳам кўп. Биз дунё харитасига узоқ тикилиб, эътиборингизни Канада адабиётига қаратишни маъ-

қул кўрдик. Бундай адабиёт бор. Британ, Америка адабиёти эмас, балки айнан Канада адабиёти". Мунаққиднинг фикрича, ўтган йили улар шу йўл билан дунё аҳолиси эътиборини Хитой адабиётига қаратган эди. "Раҳмат Сизга, шведлар! Ўтган йилги лауреат Мо Янь сўнги йилларда ўзим учун кашф қилган энг яхши муаллифдир", дейди Константин Мильчин.

Унинг фикрича, Манро - ҳудудий ёзувчи. У бутун ҳаёти давомида айнан битта округ - Онтарио ҳақида ёзади. Мана, 40 йилдан ортиқ ёзиб келмоқда. "Жаноблар, Сиз ҳам ўзингизга яқин ва тушунарли бўлган нарсалар ҳақида ёзинг", дейди у.

Россиялик ёзувчи Эдуард Лимонов ҳеч бир мукофотга ҳурмат билан қарамаслигини айтади. "Мукофот Худо томонидан эмас, одамлар томонидан берилади. Шунинг учун бу ерда нима ҳам дейиш мумкин? Қандайдир швед академиклари бу мукофотни беради", дейди у "Коммерсантъ ФМ"га берган интервьюсида.

Лимоновга кўра, аксарият мукофотлар ривожланаётган адабиётларга ёки унут бўлаётган адабиётларга берилади. "Мукофот кенг миқёсдаги ютуқлар учун берилмоғи керак. Дейлик, умумевропа, бутунжаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси учун", дейди у.

Тоҳир СОДИҚОВ:

"Концертимга чипталар мажбурлаб сотилмаган"

Мен ва менинг тенгдошларим "Болалар" гуруҳи кўшиқлари билан улғайишган, десам адашмайман. Мактабда ўтган тадбирларда, туғилган кунларда айнан шу гуруҳ кўшиқлари билан вақтимизни чоғ ўтказганимизни яхши эслайман. Аммо ўша пайт бир кун келиб бу инсондан ўзимни йиллар давомида қизиқтирган саволларга тўғридан-тўғри жавоб олишим ҳақида ўйламаган эканман.

— Ассалому алайкум, Тоҳир ака!
— Ваалайкум Ассалом. Марҳамат, Ҳуш келибсизлар! (Хонанданинг студиясига ташриф буюрар эканмиз у бизни илиқ кутиб олиб ичкарига таклиф қилди. Қисқа сўрашувдан сўнг интервью бошланди)
— **Сўнги пайтларда хонандаларнинг клипида бошқа машҳур хонандаларнинг рол ижро этиши урфга кирган. Сизнинг бунга муносабатингиз қандай?**
— Шахсан мен, клипларни халққа "едиришнинг" бундай бир йўлини унчалик ҳам яхши тушунмайман. Назаримда, бу каби йўлни ўз клипини тезроқ оммалаштиришни истаганлар қилади. Яна билмадим...
— **Йўналишингиз - замонавий эстрада. Айтишчи, миллий йўналишдаги қайсидир кўшиқни эшитиб шунини мен ҳам маромига етказиб қуйлаган бўлардим деганмисиз?**
— Ўзбек классикасини қуйлаш учун биринчи навбада бунга хонанданинг ўзи тайёр бўлиши керак. Агар у танлаган кўшигини маромига етказиб қуйлашига кўзи етса

бунга қўл уриши керак, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, ўша кўшиқларни қуйлашга овоз имкониятлари ҳам мос тушиши керак.
— **Демак, бу иш сизнинг қўлингиздан келмаслигини тан оласиз?**
— Албатта! Менинг йўналишим бошқа. Мен ўзим қойил қила оладиган йўналишни танлаганман. Агар миллий йўналишдаги кўшиқларни эшитиб, қуйлаб улғайганимда эди бу мен учун муаммо бўлмасди...
— **Илгари бир кўшиқнинг хит даражасидаги "умри" камида бир йилдан ошар эди. Бугун эса уларнинг "яшаши" жуда қисқарган. Яъни хонанда қуйлаган кўшиқ бир икки ой хит бўлиб, сўнг бошқа ҳамкасби ундан яхшироқ кўшиқ ижро этиб қолгудек бўлса ундан олдинги кўшиқ ўз-ўзидан одамлар эътиборидан четда қолиб кетяпти. Сизнингча бунга нима сабаб бўляпти?**
— Менимча ҳар бир инсоннинг ўз "хити" бор. Яъни шундай тингловчилар бўладики, хонанда ҳар қандай хит кўшиқ қуйламасин,

у учун доим бир кўшиқингизгина хит бўлиб тураверади. Бунга сабаб ўша кўшиқ билан боғлиқ хотиралар бўлса керак. Бугун бизнинг шоу бизнесимиздаги ҳолат эса аслида дунёнинг ривожланган давлатлар эстрадасида бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараён... Олдиндан кўшиқнинг "умрини" белгилаш эса жуда қийин. Баъза ярим соатнинг ичида ёзилган кўшиқ ҳақиқий хит бўлиб йиллар давомида тайёрлаган кўшиқингиз одамларга ёқмай қолиши мумкин.

— **Сизнинг нечта кўшиқингиз узок вақт одамлар ёдида қолади, деб ўйлайсиз?**

— Бу саволга жавоб бериш жуда қийин... Аммо мана бу йил "Болалар" гуруҳининг ташкил қилинганлигига 24 йил бўлган бўлса, ижодимизнинг илк йилларида қуйлаган кўшиқларимизни ҳозиргача сўрашади. Нокамтарликка йўймангку, аммо кам бўлса ҳам, одамларнинг ёдида умрбод сақланиб қоладиган кўшиқларимиз бор деб ўйлайман.

— **Юқорида жуда оз фурсат ичида ёзилган аммо ҳақиқий хит даражасидаги кўшиқлар ҳақида гапирдингиз. Биламанки, сизнинг репертуарингиздаги "Кел яшайлик биз бирга" таронаси жуда қисқа муддат ичда яратилган. Жиянингизнинг висол оқшомида уларга совға сифатида қуйлаган бу кўшиқни омма эътиборига ҳавола этиш ниятингиз бўлмаган эди...**

— Ҳа, тўғри. Балки кўшиқдаги сўзлар самимий, айнан икки ёшнинг дилидаги гаплар бўлгани учун шундай оммалашгандир? Бугун аксарият тўйларга айнан шу кўшиқни қуйлаш учун бораман. Сабаби келин куёвлар бу таронага рақсга тушишни одат қилишибди...

— **Сиз ҳақингизда тўй маросимларининг ташкилотчилари унчалик ҳам илиқ фикрда эмас. Айтишларича тўйларга жуда кеч, олдиндан келишган вақтга бормас экансиз?**

— Бу масалани мантиқан ўйлаб қарасак мени танқид қилишга, устимдан арз қилишга сабаб йўқ. Йўл, тўйхоналарнинг бири шаҳарнинг бу четида бўлса иккинчиси бошқа тарафда. Шунинг учун ҳам мен доим ўша кунга айтилган тўйнинг фақат биринчисигагина айтилган вақтга бораман. Кўчада тирбандлик, светафор, йўл-ҳаракати қоидалари деган гаплар бор. Шу сабабдан ҳам мени тўйга чақирганларга "вақтим бўлиши билан кириб ўтаман" дейман.

— **"Болалар" гуруҳи яққохони Жаҳонгир Позилжонов деярли барча интервьюсида сизни устоз деб таъкидлаб ўтади. Бу гуруҳга яхши устозлик қила олдим деб ўйлайсизми?**

— Бу гуруҳ фаолиятига назар ташласак, менимча ёмон ишлашгани йўқ. Бу гуруҳга телевидение, радио, матбуот умуман халқдан талаб катта бўляпти. Демакки, ҳаммаси яхши. Уларга яхши устоз бўла олдимми ёки йўқ - бу иккинчи масала. Мен уларга шунчаки туртки берганман, йўл кўрсатганман, холос. Қолган ютуқларига эса уларнинг ўзи эришиб, бугунги даражага етишган.

— **Бугунги эстрадининг асоси тўй бизнесига қурилганини қандай...**

— Бу 2000 йилдан кейин бутун жаҳон эстрадасида анъана тусига кирган ҳолат. Бугун дунё таниган "супер", "мега" хонандалар ҳам турли тўй, базм ва бошқа маросимлардан пул ишлашяпти. Бу фақат биздагина кузатилаётган жараён эмас.

— **Аммо хорижий хонандалар ўзларининг клип ва концертлардан ҳам жуда катта фойда кўришади-ку... Бизда эса буни кузатиш қийин. Бизнинг хонандалар клип ва концерт қилиш учун аксинча ўзи пул сарфлаб, хатто зарар қиладиганлари ҳам йўқ эмас...**

— Очигини айтганда, бугун шундай муаммолар бўляпти. Илгари клип олиш ҳам концерт ташкиллаштириш ҳам бугунгидек қийин эмас эди. Бугун бир кунлик концерт ўтказиш учун анча югуришга тўғри келади. Реклама, ташкилий ишлар ҳам кўп вақтни олади. Бундан ташқари одамлар ҳам фалон пуллик чиптани харид қилмасдан осонгина



тўйга чақириб, севган хонандасини кўшиқларини тинглашни афзал билишяпти.

— **"Болалар" гуруҳининг сўнги 2013 йил концерти ҳақида кўп танқидий фикрлар эшитдим. Айтишларича чипталар томошабинларга мажбуран сотилган экан. Кўпинча бу ишлар ташкилотчиларнинг фаоллиги билан амалга оширилади. Сабаби улар ҳам хавфхатарни олдини олиш учун турли ташкилотларга чипталарни "ўтказишади"?**

— Замон шунини талаб қияпти. Одамларга қулайлик яратиш бериш керак. Бугун одамлар ўз ташвишига шу даражада ўралашиб қолганки, вақт ажратиш кассада чипта сотиб олишга имконияти йўқ. Бундай ҳолатда ташкилотчилар томонидан берилган чипта уларга анча қулайлик яратади. Бундан ташқари, бирор бир ташкилот раҳбарияти ўз ҳодимларига чиптани сотгани билан агар концертга келишни ўзи истамаса, келмай қўя қолади.

— **Лекин концертингиздан кейинги газеталарда берилган маълумотларга қараганда концертингизга чипталар айнан мажбурлаб сотилган, деган фактлар келтирилган. Наҳот, "Болалар" гуруҳи одамларга мажбурлаб чипта сотиш даражасига тушиб қолган бўлса?**

— Бўлиши мумкин эмас. Концертимга чипталар мажбурлаб сотилмаган. Ҳар хил одамлар бор. Уларнинг мен ҳақимда гапирган бўлар бўлмас гапларни ҳозир муҳокама қилишга эса тоқатим йўқ.

— **Сўнги концертларингизнинг "фишқаси" ўзингиз, эмас фақат лазер чироқлари бўлиб қолаётгани ғалати туйилмаяптими?**

— Нега энди ғалати бўлиши керак? Одамлар концертда келиб нафақат дам олиб, кўшиқ тинглаши керак, балки ҳақиқий шоу дастурнинг, ҳақиқий томошанинг гувоҳи бўлиши керак деб ҳисоблайман.

— **Илгари бир йилда камида иккита янги кўшиқ яратардингиз. Ҳозир эса камрок ижод қилаётгандексиз...**

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Ҳозир ҳам янги кўшиқлар бор. Фақат уларни оммага тақдим этишда шошилаётганимиз йўқ. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Режалаштирган ишларимиз бор.

— **Айтишчи, охириги марта қачон радарга тушгансиз?**

— Бундан икки ой илгари хавфсизлик камарини тақмаганим учун ЙҲХБ ҳодимидан дакки эшитиб белгиланган миқдорда жарима тўлаган эдим. Радарга эса сўнги марта қачон тушганим эсимда йўқ. Ҳозир аксарият йўлларда тезликни соатига 50 километрдан ошириш мумкин эмас. Илгари эса 70 тезликда юриш мумкин эди. Шу тезликка ўрганганим учун бўлса керак, ўзим билмаган ҳолда кўп тезликни оширишимни билмаман (қулади).

— **ЙҲХБ ҳодимлари билан муносабатингиз қандай улар билан тортишиб турасизми?**

— Улар билан гап таллашиб бўладими? (кулгу кўтарилди). Жиддий гапирадиган бўлсам бу соҳа вакиллари билан ҳеч қачон "сен-мен"га бормаганмиз. Доим яхши муомалада бўлиб келганман. Улар ҳам ўз ўрнида менинг ҳурматимни жойига қўйишади. Аммо бу қонунни бузсам ҳам мени кечирешади дегани эмас, доим хатойимга яраша жазойимни олганман... —

АЛИЯ ОҚҚА КҶИРДИ ("ДАРАКЧИ").

TOWN TOTAL HOME CARE AGENCY

ВНИМАНИЕ! СРОЧНО ТРЕБУЮТСЯ РАБОТНИКИ С СЕРТИФИКАТОМ РСА и ННА

Немедленное трудоустройство! 1041-33

- Удобный для вас график — полный и неполный рабочий день
- Работа на выбор во всех районах Нью-Йорка
- Еженедельная зарплата
- Оплата сверхурочных часов
- Direct Deposit

Помогаем оформить Home Attendant сервис и перевести Housekeeper на Home Attendant за короткое время
Реальная помощь пациенту и работнику

(718) 717-8821

У НАС ЕСТЬ ОФИСЫ ВО ВСЕХ РАЙОНАХ НЬЮ-ЙОРКА: БРУКЛИН, КВИНС, МАНХЭТТЕН, БРОНКС, СТЕЙТЕН-АЙЛЕНД

Бугунги иқтисодий ўзгаришлар, айниқса, сўнгги глобал молиявий инқирозлар турли соҳаларга жиддий зиён етказди. Айниқса, минглаб олий маълумотли ҳамда профессионал кадрлар ўз иш жойини йўқотди, янги ишга кириши ҳам бирмунча қийинлашди. Бундай шароитларда жадал ва интенсив таълим берадиган, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўзлаштиришга кўмаклашадиган таълим муассасасининг аҳамияти беқиёс. Қолаверса, Америкага борганлар учун янги ҳаётга мослашишда турли таълим муассасалари сув ва ҳаводек зарур бўлади. Негаки, ўз мамлакатидан олинган олий маълумот кўп ҳам бошқа мамлакатда қўл келавради.

Manhattan School of Computer Technology: Таълим ҳаётда муваффақиятларга эришишнинг асосий омилидир

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби нотижорат ташкилоти ҳам мана шу мақсадлар йўлида фаолият юритади. Унинг бош мақсади маҳаллий жамиятни тўлиқ қамраб олиш ва имкон қадар кўпчиликни таълим билан қамраб олишдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Манхэттан компьютер технологиялари мактаби 18 йилдан бери фаолият юритиб келади ва у бизнес ва тиббиёт соҳаси учун минглаб малакали кадрларни қайта тайёрлади. Таълим муассасалари орасида катта нуфузга эга мазкур мактаб юқори таълим стандартларини жорий қилган.

Мактаб Нью-Йорк Таълим департаменти томонидан рўйхатга олинган бўлиб, федерал даражада Мустақил коллеж ва мактабларни аккредитациядан ўтказиш кенгаши томонидан аккредитация қилинган. Ушбу масканда

Тиббиёт муассасаси мутахассиси, компьютер дастурлари асосида кучайтирилган бухгалтерия, инглиз тили иккинчи тил сифатида ўргатилади. Зеро, буларга меҳнат бозорида жуда катта талаб бор. Мазкур таълим дастурлари дунёнинг турли мамлакатларидан келган кучли ва малакали мутахассис-инструкторлар томонидан ўтилади. Факультетимиз ва ходимларимиз ўзбек, урду, форсий, бенгал, рус, украин, грузин, испан, араб ва бошқа қатор тилларда бемалол сўзлаша олади ҳамда турли этник гуруҳларга мансуб бўлган талабаларга турли даражада таълим бера олади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактабининг энг машҳур дастурларидан бири - инглиз тили иккинчи тил сифатидадир (ESL). Нега ушбу дастурга катта эҳтиёж туғилмоқда?

Мактаб жойлашган худуд аҳолиси асосан

янги келадиган иммигрантлар ҳисобига изчил кўпайиб бормоқда. Иммигрантлар янги муҳит ва шароитга мослашиши бирмунча қийин бўлгани боис уларнинг инглиз тилини имкон қадар тезроқ ўрганиши сув ва ҳаводек зарурдир.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби 600 соатлик кучайтирилган инглиз тили сабоқларини таклиф қилади. Дастурнинг бош мақсади ўқувчиларга мулоқот қила олиш даражасида кўникмаларни беришдир. Дастур оддий инглиз тили кўникмаларидан тортиб мукамал сўзлашув ва ёзув тузилмаларини қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга кўра, ўқувчилар 8 ойда инглиз тилида етарли даражада мулоқот қила олиши мумкин. Ушбу дастурдан сўнг аксарият талабалар бухгалтерия ёки тиббиётга оид дастурларда қатнашади ва ўқиш тугагандан сўнг иш

топиб кетишади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактабида инглиз тили сабоқларига дунёнинг турли мамлакатларидан талабалар қатнашади. Айнан бир синфда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия, Польша, Грузия, Колумбия, Покистон, Бангла-

Инлиз тили сабоқлари дастурининг яна бир муҳим жиҳати - очиқ ҳавода ўтказиладиган турли машғулотлар ва сафарлардир. Инструкторлар талабаларни Нью-Йорк Ситининг диққатга молик жойларига, хусусан, Central Park, Metropolitan Museum of Arts, Museum



деш, Хитой, Монголия ва бошқа мамлакатлардан келган талабаларни учратишингиз мумкин. Турли этник келиб чиқишга эга талабалар ўз тажрибалари билан ўртоқлашган ҳолда бир-бирига инглиз тилини ўрганишга ёрдам беришади. Муҳими, шу йўл билан янги ҳаёт, янги келажак сари қадам ташланади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби инглиз тили инструкторлари юқори билим ва тажрибага эга. Улар ўқитиш жараёни самардорлигини ошириш учун турли услуб ва технологияларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда дарс олиб боришади. Айнан бир кунда талабалар инглиз тилида мулоқотга киришиши, ёзма машғулотларни бажариши ҳамда инглиз тилини он-лайн ўрганиш учун компьютер лабораторияси дарсларида қатнашиши мумкин. Компьютер лабораторияси Манхэттан компьютер технологиялари мактабида инглиз тилини ўрганишда мажбурий бўлган жараёнлардан биридир.

of Natural History, Staten Island Ferry ва қатор жойларга олиб боришади. Ушбу сафарлар ва очиқ ҳаводаги машғулотлар пайтида талабалар Америка маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишиш ҳамда инглиз тилида кўплаб мавзуларни муҳокама қилишлари мумкин.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби талабалари асосан катта ёшдаги кишилардир. Уларнинг аксарияти оилали, фарзандли. Мактабга қатнаш орқали ота-оналар ўз фарзандларига ҳам ўрнатқилишади. Чунки бу билан улар ўз фарзандларига ҳаётда муваффақиятга эришиш учун таълимнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини исботлаб беришади.

Манхэттан компьютер технологиялари мактаби фаолияти кўпроқ маълумот олишни истасангиз, Нилуфар Гаппаровага телефон қилинг: (718) 360-1534 ташқи.105 ёки Мактабнинг 939 Coney Island Ave., Brooklyn, NY 11230да жойлашган қабулхонасига келиб, тегишли маълумотларни олишингиз мумкин.





Ўзбекистон таэквондо усталарининг Нью-Йоркдаги ғалабаси

Шу йилнинг 5 октябрь куни Нью-Йоркда Таэквондо I.T.F. бўйича BIG Apple 9-халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистон таэквон-до миллий ассоциацияси вакиллари ҳам иштирок этишди. Мусобақада Лазиз Ҳасанов ва Бахтиёр Исроилов бошчилигидаги 8 нафар ҳамюртимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишди.

Нью-Йоркдаги ватандошлар кўллаб-қувватлови остида ўтган мазкур мусобақаларда ўзбекис-

тонлик таэквон-до усталари яқкалик баҳсларида ҳам, умумжамоа ҳисобида ҳам яхши натижа-

ларни қўлга киритишди. Вакилларимиз, хусусан, тиль ва массоги йўналишларида 7 та олтин, 5 та кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритишди.

Ҳамюртларимиздан Камронбек Тоҳиров тиль, яъни комплекс машқларни бажариш бўйича биринчи ўриндан, шунингдек, массоги машқларида ҳам шоҳсупанинг юқорисидан жой олди. Худди шундай муваффақиятларни Иброҳим Зоҳидов ҳам такрорлади.

Ҳасанжон Иномжонов тиль бўйича биринчи, массоги бўйи-

ча иккинчи, Абдулазиз Аъзамов массоги бўйича иккинчи, тиль бўйича учинчи, Суҳроб Нафуллаев эса массоги бўйича иккинчи, Заргуна Аҳроқулова массоги бўйича биринчи, тиль бўйича иккинчи, Муҳаммаджон Аҳмеджонов тиль бўйича биринчи, массоги бўйича иккинчи, Амиржон Абдураимов массоги бўйича совринли ўринларни қўлга киритишди.

Ғолиб бўлганларга турнир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари ва медаллари топширилди.



Латвия президенти Андрис Берзиньш: “Биз Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини кўллаб-қувватлаймиз”

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди.

ЎзАнинг хабар беришича, Латвия – Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия Ўзбекистонга ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

Латвия президенти Андрис Берзиньш учрашув якунлари юзасидан ОАВ учун баёнот бериб, Ислоҳ Каримов билан музокаралар самарали бўлиб ўтганлигини қайд этди.

“Биз Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини кўллаб-қувватлаймиз. Ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш иқтисодийнинг тараққий этаётганидан дарак беради ва кўшимча инвестиция жалб қилишга хизмат қилади”, деди Латвия президенти.

Латвия президенти кўра, истиқболда Афғонистонга юк етказиб бериш ва олиб чиқиш бўйича тижорий транзитни ривожлантириш имкониятлари бор. Бу Европа ва Осиёни боғлашда айни муддаодир.

“Биз Ўзбекистон ўз маҳсулотлари транзити, шунингдек, товарларини Европа Иттифоқига етказиб бериш учун логистика марказини яратиш учун Латвиянинг бўш портларидан фойдаланишда устуворликка эга бўлишга чорлаймиз”, деди у.

RESTAURANT

SULTAN

PALACE

FREE DELIVERY
min \$15

Catering for All Occasion
Dine in • Take out
Live Music

2663 Coney Island Avenue
Brooklyn, NY 11223
718-648-2536
718-648-2579

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида етти нафар пул қалбакилаштирувчилар қўлга олинган. "Коммерсантъ" газетасининг ёзишича, ушбу жинойий гуруҳ кирдикорлари боис Россиянинг йирик банклари 5000 рубль купюраларини қабул қилишдан бош торттишган.

Россияда 7 нафар самарқандлик 16 миллион рубль қалбаки купюрани муомалага чиқаришган

Тергов органларига кўра, "интеллектуал" жиноятчилар қисқа вақт ичида Питер ва Москвада 16 миллион рубль (тахминан 500 минг доллар атрофида) қалбаки купюраларни банкомат ва бошқа тўлов қурилмалари орқали муомалага чиқаришган.

Улар ўтган ҳафта шанба куни Питернинг Пулково аэропортида қўлга олинган. Уларнинг бир қисми ўша куни Москвага, яна бир қисми Тошкентга учиб кетишни режалаштираётган бўлган. "Ъ"нинг ёзишича, ҳибсга олиш жуда тинч ўтган, гумондорлар қаршилик кўрсатмаган.

Ҳозирги кунда Россия ҳуқуқ-тартибот органлари

томонидан ўзбекистонликларга нисбатан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 186-моддаси, яъни қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш бўйича айбланмоқда.

Россия Ички ишлар вазирлиги, Федерал хавфсизлик хизмати ҳамда банклар хавфсизлик хизматлари фирибгарларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг фотосуратларини яратиш, шунингдек, кузатув камералари орқали қидириш бўйича кенг кўламли ишлар-



РИА Новости

ни амалга оширган. Натижада уларнинг суратлари ва паспорт маълумотлари аэропортларга етказиб берилган. Қўлга олинганлар Самарқанд вилоятидан бўлиб, энг кичиги 22 ёш, энг каттаси 32 ёшда.

Улар тайёрлаган пул купюралари шунчалик сифатсиз бўлганки, ҳатто сув белгилари ҳам бўлмаган. Аммо улар банкоматларнинг дастурий таъминотидаги камчиликлардан яхши хабардор бўлган. Тергов органлари қалбакилаштириш билан шуғуллан-

ган фуқароларнинг шахсини суриштирув талабларидан келиб чиқиб эълон қилмаган.

Шуни айтиш керакки, ўтган ҳафта Россиядаги йирик банклар 5000 рубль купюраларни қабул қилишдан бош торттишган эди. Бунга уларнинг орасида қалбакилари ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани сабаб бўлган. Сўнги маълумотларга кўра, банклар бешмингталикни 21 октябрдан муомалага чиқаради.



SILK ROAD EXPRESS

Авиaperезовки. Отправка посылок, бандеролей, среднегабаритных грузов
Мы предлагаем отправку бандеролей, посылок Вашим друзьям и близким
Пересылка посылок с помощью Silk Road Express
своим родственникам и друзьям в Узбекистан это правильный выбор!

theSilkRoadExpress.com
silkroad.express@yahoo.com

office: 718.676.0011
 cell: 347.722.3850
 cell: 347.922.3139
 2294a East 14th Street,
 BROOKLYN, NY 11229



Office address:
 Gulabod Street, dom 54 kv 50,
 Tashkent, Uzbekistan 100059
 Phone: 998 90 390 7071
 Cell: 998 94 661 6007

Financial Aid Available

(FOR THOSE WHO QUALIFY)

Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:



Patient Care Technician
 Phlebotomy Technician
 EKG Technician
 Clinical Medical Assistant
 Medical Administrative Assistant
 Medical Laboratory Assistant
 Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY

ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

DIRECTIONS: Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

CALL:

(718) 360-1534

AIRLINE TICKETS**WINTER SEASON SALE!
FROM NEW YORK TO TASHKENT****Uzbekistan Airlines**

One Way - \$860* - Round Trip - \$1298*

Turkish Airlines

One Way - \$548* - Round Trip - \$797*

*STARTING PRICE. LIMITED TIME ONLY

**UZBEKISTAN**
airways**TURKISH**
AIRLINES **FOR RESERVATION:****(800) 769-7407 / (347) 767-2951**

2667 Coney Island Ave Brooklyn, NY 11223

**Олмаота - Тошкент
йўналиши бўйича
тезюар поезд қатнови
йўлга қўйилади**

2014 йилда Олмаота (Қозоғистон)дан Тошкентга тезюар йўловчи поезди қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Газета.uz Қозоғистон транспорт ва коммуникация вазирлиги матбуот хизматида таяниб хабар тарқатди. Янги тезюар поездларнинг йўлга қўйилиши ушбу йўналишдаги йўловчилар ташиш бўйича талабни қондириш ҳамда йўлга кетадиган вақтни 1,5-2 баравар қисқартириш имконини беради. Вазирлик ахборотида кўра, жорий йилда Қозоғистон темир йўллари учун 125 та "Тулпор-Тальго" вагонлари харид қилинган. Йил охирига қадар яна 51 та вагон сотиб олинishi мўлжалланмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент ва Олмаотани Нукус - Олмаота ва Тошкент - Новосибирск темир йўллари боғлаб туради.

BRAMSON ORT
COLLEGE www.BramsonORT.edu**QUEENS CAMPUS**
69-30 Austin Street, Forest Hills
877-404-5373
Zoya Yakubova ext. 178**BROOKLYN CAMPUS**
8109 Bay Parkway, Brooklyn
877-472-1097
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR
DEGREE!****LOW
TUITION!****REGISTER
TODAY****EDUCATION is
The SECRET to
SUCCESS!
Invest in YOUR
FUTURE!****OPEN HOUSE
EVERY
WEDNESDAY**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on www.BramsonORT.edu